

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВ САРДОРБЕК БАХРИДДИНОВИЧ

**ҒАРБИЙ ЗАРАФШОН ТОҒ ТИЗМАСИ БИОЦЕНОЗЛАРИ КЎП
ЙИЛЛИК ЎТЛАРИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРИНИНГ ЗОНАЛ
ТАРҚАЛИШИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 - Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нарзуллаев Сардорбек Бахриддинович

Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозлари кўп йиллик ўтлари
фитонематодаларининг зонал тарқалиши ва экологияси3

Нарзуллаев Сардорбек Бахриддинович

Зональное распределение и экология фитонематод
многолетних трав биоценозов Западного Зеравшанского хребта21

Narzullaev Sardorbek Bakhriddinovich

Zonal distribution and ecology of phytonematods of perennial grasses of
biocenoses of the West Zarafshan mountain range39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗУЛЛАЕВ САРДОРБЕК БАХРИДДИНОВИЧ

**ҒАРБИЙ ЗАРАФШОН ТОҒ ТИЗМАСИ БИОЦЕНОЗЛАРИ КЎП
ЙИЛЛИК ЎТЛАРИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРИНИНГ ЗОНАЛ
ТАРҚАЛИШИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 - Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B146 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мавлянов Очил

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иззатулаев Зувайд

биология фанлари доктори, профессор

Эшова Холиса Саидовна

биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 07 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети биология факультети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 07 куни тарқатилди.
(2021 йил «08» 07 даги 16 рақамли реестр баённомаси).



В.Т. Ражамурадов

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

М.С. Кузиев

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
б.ф.ф.д. (PhD), доцент

Х.Қ. Хайдаров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида паразит фитонематодаларнинг қишлоқ хўжалигига кўрсатадиган таъсири тобора сезиларли бўлиб бормоқда, ҳисоб-китобларга кўра нематодаларнинг қишлоқ хўжалигига келтирадиган йиллик зарари тахминан 77 миллиард долларга етмоқда¹. Табиий экосистемаларда фитонематодалар яшил ўсимликлар билан турли даражада боғланган. Улардан кўпчилиги тупроқда эркин ҳаёт кечириб, ўсимлик қолдиқларини ўзлаштирилишида иштирок этади. Бошқалари эса ўсимликларнинг илдизи, идизмеvasи, тугунаклари, баъзан пояси, барги, гули ва уруғларида паразитлик қилиб, катта зиён келтиради. Шунга кўра, ҳудудларда паразит турларнинг фаунаси, тарқалиш хусусиятлари, экологияси ва хўжалик аҳамиятини комплекс тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда паразит нематодаларнинг тур сифатида филогенетик шаклланиши ҳамда тарқалиши тоғ ва тоғолди биоценозларидаги ёввойи ўсимликлар билан бевосита боғлиқлиги, шунингдек биоценозлардаги ёввойи ўсимликлар ва ёндош агроценозлардаги бегона ўтлар паразит нематодалар тўпланадиган табиий манба бўлишини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тоғ биоценозлари кўп йиллик ўсимликлари нематодафаунасининг экологик хусусиятларини баландлик зоналари бўйича таҳлил этиш, нематодаларнинг ўсимликлар билан паразит-хўжайин муносабатларини очиб бериш, нематодаларни таксономик ва экологик классификация қилиш, тоғнинг баландлик зоналари бўйича вертикал тарқалишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда суғориладиган майдонларда ўстириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ва улар атрофида ўсадиган бегона ўтларнинг нематодаларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан, агроценозлар нематодафаунаси таркиби, биоэкологик хусусиятлари аниқланган ва паразит турларига қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «...қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик, зараркунандалар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда маданий ўсимликлар билан бирга тоғ биоценозлари кўп йиллик ўтлари нематодафаунасини таксономик ва экологик таҳлил қилиш, доминант турларни, шунингдек, ўсимликнинг турли органлари ва ризосфера тупроғида учровчи паразит турларни аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон

¹ <https://www.irjet.net/archives/V4/i12/IRJET-V4I1290>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегисини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 2544-1-сон «Республикада карантиндаги зараркундалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёввойи ва бегона ўтлар нематодалари тўғрисидаги маълумотлар L.Háněl (1992), T.Bongers, H. Ferris (1999), Min Zhang, W.Liang, X.Zhang (2012), M.Talavera, A.Navas (2002), F.Tong, Y.Xiao, Q.Wang (2010), V.Peneva, S.Lazarova (2011), Ke Dong (2017), J. Genevieve, T. Martinez (2018) ва бошқа чет эл олимларининг ишларида келтирилган.

МДХ мамлакатларида тоғ биоценозларида ўсувчи кўп йиллик ўсимликлар нематодафаунасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар Е.С.Кирьянова, Э.Л. Кралль (1969, 1971), А.А. Парамонов (1952, 1958, 1962), Р.Изатуллаева (1967), Т.С.Иванова (1987), Т.Т. Тебенкова (1987), Л.М.Джураева (1992), З.И. Обухова, К.У. Базарбеков (1987) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистон шароитида кўп йиллик ёввойи ўсимликлар нематодафаунасининг турлар таркиби, биоэкологик хусусиятлари бўйича маълумотлар А.Т. Тўлаганов (1949, 1975, 1978), Ш.А. Атахонов (1956), Ш.Хуррамов (1980), О. Мавлонов (1989, 1993), З.Н. Норбоев (1989), Г.А.Абдурахмонова (2004), Л. Санаева (2008), Н.Х. Хакимов, М. Хамраева (2014), Х.С. Эшова (2018), А.Ш. Хуррамов (2019) ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида келтирилган.

Бироқ олиб борилган тадқиқотларда ёввойи ўсимликлар нематодафаунаси, экологик ва таксономик таркибини, тоғнинг баландлик зоналари бўйича вертикал тарқалишига доир маълумотлар берилмаган.

Шу нуқтаи назардан олганда, кўп йиллик ўтлар нематодаларининг фаунистик таркибини аниқлаш, фитонематодаларнинг тоғ баландлик зоналари бўйича вертикал тарқалиш хусусиятларини тадқиқ қилиш, аниқланган нематодаларни таксономик ва экологик классификация қилиш ҳамда тоғ экосистемаларини паразит нематодаларнинг кўпайиш, тўпланиш ва тарқалиш манбаи сифатидаги аҳамиятини очиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот

ишлар режасига мувофиқ Био-01-2021 «Жанубий ғарбий Ўзбекистон ҳайвонот дунёсининг фаунаси, экологияси ва муҳофазаси ҳамда улардан рационал фойдаланиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозлари кўп йиллик ўтлари нематодаларининг тур таркиби ва тоғнинг баландлик зоналари бўйича вертикал тарқалишини ҳамда уларнинг тоғ экосистемаси кўп йиллик ўтлари билан экологик муносабатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ғарбий Зарафшон тоғ тизмасига қарашли тоғ ва тоғолди биоценозлари кўп йиллик ўтлари нематодаларининг фаунистик таркибини аниқлаш;

тоғ баландлик зоналари бўйича фитонематодаларнинг вертикал тарқалиши хусусиятларини аниқлаш;

Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозларида аниқланган нематодаларни таксономик ва экологик классификациялаш;

тоғ тизмаси биоценозларида тарқалган энг муҳим ва кенг тарқалган паразит турларга анатомо-морфологик тавсиф бериш;

тоғ экосистемаларини паразит нематодаларнинг кўпайиш, тўпланиш ва тарқалиш манбаи сифатидаги аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тоғ ва тоғолди биоценозлари кўп йиллик ўтлари фитонематодалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тоғолди ва тоғ экосистемаси кўп йиллик ўтлари нематодаларининг таксономик ва экологик таркиби, вертикал -зонал тарқалиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида маршрут ва визуал методлардан, Берманнинг воронкали усули, De Man формуласи ва унинг Micoletzky модификациясига мувофиқ олинган морфометрик кўрсаткичлар каби фитогельминтологик усуллар ҳамда статистик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси кўп йиллик ўтлари нематодаларининг вертикал-зонал тарқалиши таҳлил қилиниб, нематодаларнинг 8 туркум, 35 оилага мансуб 121 тури аниқланган;

Ўзбекистон фаунаси учун нематодаларнинг янги - *Merlinius gaudialis* ва *M. rugosus* турлари аниқланган;

нематодафауна комплексининг таксономик ва экологик таркиби ҳамда популяция зичлиги ҳудуднинг географик ўрни, ўсимлик органларининг тузилиши, тупроқ гидротермик режими билан боғлиқлиги очиқ берилган;

баландлик зоналари нематодафаунасининг шаклланиши ва таркиби ўсимликлар қоплами, табиий ва антропоген омиллар таъсирида фаунистик гуруҳлар ўртасида турлар алмашинуви содир бўлиши билан боғлиқ эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тоғ экосистемаси кўп йиллик ўтлари паразит нематодалар учун тўпланиш, кўпайиш ва тарқалиш манбаи эканлиги аниқланган;

какра нематодаси (*Mesoanguina picridis*)дан хавfli ва захарли бегона ўт

какрага қарши курашда биологик агент сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган фитогельминтология ва паразитология соҳаларидаги усул ва ёндошувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни замонавий дастурлар асосида статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг нуфузли нашрларда чоп этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозари кўп йиллик ўтлари фитонематодалари комплекс таҳлил қилиниб, турлар таркиби аниқланганлиги, фитонематодалар фаунасининг систематик ва экологик таҳлил қилинганлиги, тоғ экосистемасида ўсимлик нематодалари жамоасининг шаклланиши ўсимлик ва тупроқ қоплами, ўсимлик илдиз системасининг ривожланиши таъсирида ўзгариши хусусиятлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ экосистемаси шароитида кўп йиллик ёввойи ўтлар паразит нематодаларнинг тўпланиш ва тарқалиш манбаи эканлиги аниқланганлиги, кўп йиллик ўсимликларда тарқалган какра нематодасидан қишлоқ хўжалиги экинларининг хавфли бегона ўти ҳисобланадиган какрага қарши биологик курашни ташкил этишга тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозлари кўп йиллик ўтлари фитонематодаларининг зонал тарқалиши ва экологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тоғ тизмаси биоценозлари нематодафаунасига тегишли нематодаларнинг 74 турига мансуб 323 та нусхадан тайёрланган 40 та доимий микропрепаратлар республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 8 июлдаги 4/1255-1426-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар коллекция фондини бойитиш, Фарбий Зарафшон тоғ тизмаси экосистемаси кўп йиллик ўтлари фитонематодаларининг турлар хилма-хиллиги, тарқалиши ҳамда биотоплар бўйича тақсимланиш хусусиятларини баҳолаш имконини берган;

кўп йиллик ўсимликлар нематодафаунасининг тур таркиби, баландлик зоналарида вертикал тарқалиши ва биоэкологик хусусиятларига доир маълумотлар Самарқанд вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 3 сентябрдаги 04/2-8-502-сон маълумотномаси). Натижада, нематодаларнинг фаунистик таркиби ўзгаришларини баҳолаш орқали худуднинг экологик ҳолатини баҳолаш,

улар асосида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси барқарорлигини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, унда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёввойи ва бегона ўтлар нематодаларини ўрганилиши тарихи**» номли биринчи бобида тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилиш ҳолати таҳлил этилган. Диссертация мавзуси доирасида амалга оширилган тадқиқот ишларини таҳлил қилиш натижасида Республикамиз тоғ экосистемаларида нематодаларни ўрганишга жуда кам эътибор берилганлигини қайд қилиш мумкин. Бу борада олиб борилган ишлар тасодифий кузатув характериға эға бўлиб, чекланган ҳудудларда амалга оширилган. Бундай ишлар асосан, айрим паразит турларни қайд қилишдан иборат бўлган. Таҳлил қилинган тадқиқотларда тоғ биоценозлари нематодофаунасининг вертикал-зонал тарқалиши ва шаклланиши қонуниятлари ўрганилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган. Ушбу бобда тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг қисқача тупроқ-иқлим шароити, йиғилган материал ҳажми ва мазкур ишни бажариш жараёнида фойдаланилган методлар ва усуллар тўғрисида маълумот берилган. Ўсимлик ва тупроқ намуналарини йиғишда маршрут ва визуал методлардан, йиғилган намуналардан нематодаларни ажратиб олиш, уларни фиксация қилиш, вақтинчалик ва доимий микропрепаратлар тайёрлаш, турларни аниқлашда фитогельминтологик ва умумзоологик

методлардан, тадқиқот натижаларини умумлаштиришда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишлари 2015-2020 йилларда Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси Чакаликалон ва Қоратепа тоғ массивларида олиб борилди. Нематодаларнинг вертикал тарқалишини ўрганиш учун Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси 4 та - юқори, ўрта, пастки ва тоғолди зоналарга ажратилди (Алибеков, 1982). Ҳар бир тоғ зонасида кўп йиллик ўтларнинг 7 тури: каррак (*Cousinia integrifolia Franch.*), жингалак откулоқ (*Rumex crispus L.*), янтоқ (*Alhagi kirghisorum Sch.*), какра (*Acroptilon repens L.*), қўзикулоқ (*Phlomis salicifolia Rg.*), пиёзли арпа (*Hordeum bulbosum Torn.*), пиёзли қўнғирбош (*Poa bulbosa L.*) танлаб олинди. Ҳар бир ўсимлик туридан зоналар бўйича 10 тупдан ўсимлик олинди. Нематодаларни ажратиб олиш учун ўсимликлар ер устки қисми ва илдизи, илдизи атрофи тупроғининг 0-10 см ва 10-20 см қатламларидан намуналар йиғилди. Шу йўл билан ҳар бир баландлик зонасидан 280 та дан намуна текширилди. Жами 1120 та намуналар нематодалар учун текширувдан ўтказилди.

Ўсимликлар ер устки қисмидан йиғилган 280 намунадан 151 тасида, илдиздан йиғилган шунча намунадан 200 тасида, тупроқдан олинган намуналарнинг барчасида нематодалар аниқланган. Турларни аниқлашда De Man (1880) формуласи ва Micoletzky (1922) модификацияси ёрдамида ҳисоблаб чиқилган морфометрик кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Фитонематодаларнинг ўсимлик ва тупроқ намуналарида устунлик даражаси турлар ва индивидлар сони фоиз ҳолатида Witkowsky (1966) бўйича аниқланди.

Тоғнинг баландлик зоналари ва кўп йиллик ўтлар нематодалари фаунистик комплекслари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашда Серенсеннинг ўхшашлик индексларини аниқлаш формуласидан (Песенко, 1982) ҳамда ўсимликлар ва тоғ зоналарининг турлар бойлигини баҳолаш учун Маргалёф (1951) индексидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Кўп йиллик ўтлар нематодаларининг систематик таҳлили ва анатомо-морфологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида кўп йиллик ўтларда аниқланган нематодалар классификация қилиниб, тоғнинг баландлик зоналари бўйича тарқалиши таҳлил этилади. Аниқланган 121 тур Нематодалар (Nematodes) типининг иккита синф (*Adenophorea*, *Secernentea*), 4та кенжа синф (*Enoplia*, *Chromadoria*, *Rhabditia*, *Diplogastria*), 8 туркум, 35 оиласига мансублиги аниқланган. Улардан *Merlinius gaudialis*, *M.rugosus* Ўзбекистон фаунаси учун янги турлар ҳисобланади. Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида нематодаларнинг кўп йиллик ўтларда тоғнинг баландлик зоналари бўйлаб тарқалиши таҳлил этилган (1-жадвал).

Тоғнинг баландлик зоналарида тарқалган кўп йиллик ёввойи ўтлар нематодофаунаси ўзаро солиштирилганида, улар турлар таркиби ва индивидлар зичлиги бўйича фарқ қилиши маълум бўлди. Бу фарқ ўсимликлар қоплами, вегетация даври, вегетатив органларнинг хусусиятлари ва тупроқнинг гидротермик режими билан боғлиқ бўлади. Чуқур илдиз отувчи кўп йиллик ксерофитлар (каррак, откулоқ, янтоқ, какра, қўзикулоқ)

фаунаси хилма – хил ва кўп сонли бўлади (56-70 тур). Вегетация даври қисқа, юза илдиз отадиган эфемерлар (пиёзли қўнғирбош, пиёзли арпа)да аксинча, турлар (40-42 турдан) ва индивидлари сони нисбатан кам бўлади.

1-жадвал

Кўп йиллик ўтлар фитонематодаларини тоғнинг баландлик зоналари бўйича тақсимланиши

Текширилган ўсимликлар	Тур (индивидлар) сони	Жумладан, баландлик зоналари бўйича			
		Юқори (475-850 м д.с.б)	Ўрта (850-1250 м д.с.б)	Пастки (1250-1800 м д.с.б)	Тоғолди (1800-2590 м д.с.б)
<i>Яхлитбаргли каррак</i>	57 (2414)	21 (312)	32 (497)	45 (880)	35 (725)
<i>Жингалак отқулоқ</i>	58 (2201)	19 (286)	38 (541)	49 (803)	41 (571)
<i>Қирғиз янтоғи</i>	70 (2753)	29 (291)	50 (717)	62 (1048)	39 (697)
<i>Ўрмаловчи какра</i>	58 (2310)	22 (237)	36 (514)	44 (883)	40 (676)
<i>Толбаргли қўзиқулоқ</i>	56 (1995)	26 (202)	41 (515)	48 (790)	30 (488)
<i>Пиёзли арпа</i>	42 (1463)	20 (205)	26 (353)	37 (558)	28 (347)
<i>Пиёзли қўнғирбош</i>	40 (1318)	17 (173)	34 (372)	33 (461)	22(312)
Жами:	121 (14454)	63 (1706)	92 (3509)	104 (5423)	79 (3816)

Аниқланган турлардан *Heterocephalobus elongatus*, *Acrobeloides emarginatus*, *Chiloplacus symmetricus*, *Panagrolaimus rigidus*, *Aphelenchus avenae*, *Paraphelenchus pseudoparietinus*, *Aphelenchoides parietinus*, *A.bicaudatus*, *Aglenchus agricola*, *Tylenchus davainei*, *Ditylenchus destructor*, *D. dipsaci*, *Pratylenchus pratensis*, *Helicotylenchus multicinctus*, *Merlinius dubius* барча ўсимликлар фаунистик комплекси таркибига кирадиган кенг тарқалган турлар ҳисобланади.

Юқори зона нематодафаунаси таркибида *Tylenchorhynchidae*, *Panagrolaimidae*, *Tylenchidae* оилалари вакиллари доминантлик қилади.

Ўрта тоғ зонасида 92 турга мансуб 3509 индивид аниқланди. Бу зонада *Panagrolaimidae*, *Tylenchorhynchidae*, *Aphelenchoididae*, *Tylenchidae* ва *Qudsianematidae* оилалари нисбатан хилма - хил ҳисобланади.

Тоғнинг пастки зонаси турларнинг хилма–хиллиги ва индивидлари сони кўплиги билан юқори ва ўрта зоналардан фарқ қилади. Бу зонада 5423 индивидни ўз ичига олган 104 тур аниқланди. Турлар хилма-хиллиги бўйича *Rhabditidae*, *Panagrolaimidae*, *Aphelenchoididae*, *Tylenchidae* оилалари вакиллари, индивидларнинг миқдорий кўрсаткичлари бўйича *Rhabditidae* (17.2%), *Panagrolaimidae* (12.24%) ва *Tylenchidae* (13%) оилалари устунлик қилади. Бу зона фаунистик комплекси *Monhystera*, *Diploscapter*, *Aphelenchoides*, *Seinura*, *Aglenchus*, *Hexatylyus*, *Eudorylaimus* авлодларига

мансуб турларнинг кириб келиши ҳисобидан бойийди. Мазкур зонада *шимол бўртма нематодаси* – *Meloidogyne hapla* каррак, какра ва янтоқ илдизида паразитлик қилиши илк бор қайд этилди. Бундан ташқари *Anguina* авлодига мансуб нематоданинг тур даражасигача аниқланмаган личинкалари ҳам фақат шу зонада қўнғирбош бошоғида топилди.

Тоғолди зонасида нематодаларнинг 79 тури аниқланди. Бу зонада Tylenchidae ва Panagrolaimidae оилалари хилма- хиллиги қайд этилган. Индивидлар сони бўйича *M. monhystera* (Mesorhabditidae оиласи) устунлик қилади. Умуман олганда, тоғолди зонасида нематодалар турлари ва индивидлари сонининг бир мунча камайиши кузатилади.

Тоғ зоналари нематодафаунаси турлар бойлиги Маргалевф индекси (Песенко, 1982) бўйича ҳисобланди. Турли баландлик зоналарида индекс 8,2-11,9 оралиғида ўзгарди. Баландлик зоналари орасида тоғнинг пастки зонаси нематодалар турлари бойлиги бошқа зоналарга нисбатан устунликка эга бўлди ($D_{MG}=11,9$). Юқори баландлик зонасида эса аксинча энг кам ($D_{MG}=8,3$) турлар бойлиги қайд этилди.




1-расм. Какра нематодаси – *M. picridis* зарарлаган какра ўсимлиги (Қоратепа массиви, 2018 йил) Ориг.

Бобнинг учинчи бўлимида кўп йиллик ўтларда кенг тарқалган энг муҳим турларнинг расмлари ва анатоми-морфологик тавсифи келтирилган. Какра нематодаси (*Mesoanguina picridis*), кўп йиллик ўтларнинг хавфли паразити сифатида тоғ зоналарида какра, каррак ва бўтакўзни кучли зарарлайди (1- 3-расмлар).

M. picridis ўсимликнинг ер устки қисмлари яъни барг, поя ва илдиз бўйинчасида паразитлик қилиб, бўртмалар ҳосил қилади. Ўсимликнинг зарарланганлиги фақатгина охири босқичларда бўртма ҳосил бўлгандан сўнги аниқ билинади. Оқиш рангдаги 4-5 мм катталиқдаги бўртмаларнинг ҳосил бўлиши май ойининг охири ва июнь ойларига тўғри келади. Бу пайтда кучли зарарланган ўсимлик ривожланишдан орқада қолади ёки нобуд бўлади.

Узоқ вақтгача тадқиқотчилар томонидан *M. picridis* нинг хўжайин ўсимлиги сифатида фақатгина ўрмаловчи какра (*Agroptilon repens* L.) келтириб ўтилган (Кирьянова, 1979; Watson, 1990). Лекин кейинроқ бу тур Қоқиўтдошлар (*Asteraceae*) оиласига мансуб бошқа ёввойи ўсимликларда ҳам паразитлик қилиши аниқланди (Чижов, 1990; Subbotin, 2004).



2-расм. *Mesoanguina picridis* (Kirjanovae, 1944) Chizhov, 1990: 1- кизилўнгачни тузилиши; 2-бош қисми; 3-♀ дум қисми; 4-♀ жинсий органи; 5-♂ дум қисми; 6-♀ умумий кўриниши (Е.С.Кирьянова (1969) дан айрим қўшимчалар билан олинди)

Бизнинг тадқиқотларимизда эса бу тур какра (*Agroptilon repens* L.), каррак (*Cousinia integrifolia* F.) ва биринчи мартаба бўтакўз (*Centaurea squarrosa* W.) ўсимликларида паразитлик қилиши аниқланди (қаранг: 3-расм).

Mesoanguina picridis нинг морфометрик кўрсаткичлари:

Урғочиси L= 1500-1800 мк; a=25-30; b=9-11; c=17-19; V= 83.1-85.2%; стилет =10-14 мк.

Эркаги L=1300-1400 мк; a=20-26; b=7-9; c=14-16; спикула=29-33; рулек= 9-10; стилет =10-11 мк

Какра ангвинаси гавдасининг олдинги учида бош кутикуласи учта ҳалқадан иборат. Стилети кучли ривожланган. Тухумдони икки жойдан

букилган. Бачадони олдинги ва орқа шохларга бўлинган. Орқа шохи гавда энига нисбатан икки баробар узун.

Каррак – (*Cousinia integrifolia* F.) ва бўтакўз (*Centaurea squarrosa* W.) какра нематодасининг хўжайини сифатида Ўзбекистон фаунасида илк бор қайд этилган (3-расм).



3-расм. Бўтакўз ёш баргларида какра нематодаси – *M. picridis* ҳосил қилган бўртмалар (Қоратепа массиви, 2018 йил. Ориг).

Яхлитбаргли каррак ва ўрмаловчи какра ўсимликларнинг *M. picridis* билан зарарланишининг экстенсив ва интенсив даражалари тоғнинг ўрта зонасида энг юқори кўрсаткичга эга бўлса, ёйиқ бўтакўз ўсимлигида ушбу паразит билан зарарланиш юқори баландлик зонасида кузатилган (2-жадвал).


2-жадвал.

Тоғнинг турли баландлик зоналарида кўп йиллик ўтларнинг какра нематодаси (*Mesoanguina picridis*) билан зарарланиши

Ўсимлик	Зарарланган орган	Тоғ зоналари					
		Юқори		Ўрта		Пастки	
		З/Э*	З/И*	З/Э*	З/И*	З/Э*	З/И*
Яхлитбаргли каррак	Поя, барг	1,4±41	8-20	1,1±47	10-30	-	-
Ўрмаловчи какра	Поя, илдиз бўйинчаси, барг	0,9±26	1-7	1,4±44	3-8	0,8±34	2-6
Ёйиқ бўтакўз	Барг	0,73±11,6	4-9	1,2±6,7	3-10	-	-

** - З/Э. - Зарарланиш экстенсивлиги (% кўрсаткичи бўйича); З/И. - зарарланиш интенсивлиги

Бундан ташқари тадқиқотлар давомида тоғнинг юқори зонасида кўзикулоқ ўсимлигининг *Mesoanguina* авлодига мансуб паразит нематода билан зарарланиши илк бор қайд этилди (4-расм). Лекин вояга етган нематодаларнинг топилмаганлиги сабабли уларни тур даражасигача аниқлашнинг иложи бўлмади. Шундай бўлсада, *Mesoanguina* авлоди вакиллари кўзикулоқ (*Phlomis salicifolia* Rg.)да паразитлик қилишини биринчи марта қайд этилишини эътиборга лойиқ дейиш мумкин.




4-расм. *Mesoanguina* sp. нинг анабиоз ҳолатдаги личинкалари (Кўзикулоқ ўсимлигида ҳосил бўлган бўртмадан олинган. 12,5x6,0. Тахтақорача, 2018 йил. Ориг.).

Диссертациянинг «Тоғ экосистемаси кўп йиллик ўтлари нематодаларининг экологик тавсифи» деб номланган тўртинчи бобининг биринчи бўлимида аниқланган нематодалар паразитобионтлар, эузапробионтлар, девизапробионтлар, микофаглар ва фитогельминтлар экологик гуруҳларига ажратилган. Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида экологик гуруҳларнинг тоғ зоналари бўйича тарқалишига қиёсий тавсиф берилган. Тоғнинг юқори зонаси ўтлари фаунистик комплексларида яшил ўсимликлар билан боғланган паразитобионтлар ва полифаг эктопаразитлар устунлик қилади. Баландлик пасая борган сари улар ўрнини ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ детритлари билан озикланадиган эузапробионтлар, девизапробионтлар ва детритофаглар эгаллайди. Қуйи зонада сапробиотик турлар индивидлари сони юқори зонадагига нисбатан деярли 4 бараварга ортганлиги қайд этилди (5-расм).

Вертикал баландлик зонасининг пасайиши билан турлар хилма-хиллиги ва индивидлар сонининг ортиб бориши сабабини пастки зоналарда ўсимлик қопламининг кучлироқ ривожланиши ва тупроқда ўсимлик қолдиқларини тобора кўпроқ тўпланиши билан тушунтириш мумкин. Тоғолди зонасида

фауна таркибидаги турлар хилма-хиллиги ва индивидлар сонини бир мунча камайиши кузатилади.



5-расм. Кўп йиллик ўтлар нематодалари экологик гуруҳларининг тоғнинг баландлик зоналари бўйича тақсимланиши (индивидлар сони бўйича)

Ушбу бобнинг учинчи бўлимида кўп йиллик ўтлар нематодалари фаунистик комплекслари ўртасидаги боғланишлар, уларнинг ўзаро ўхшашлиги ёки фарқ қилиши ҳамда шаклланиш йўллари таҳлил қилинган.

Турли ўсимликлар нематодофаунаси ўртасидаги ўхшашлик даражаси ўсимликларнинг экологик хусусиятлари, хусусан вегетация муддати, илдиз системасининг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Нематода комплекслари ўртасидаги энг катта ўхшашлик (0,71) вегетация даври қисқа бўлган, илдизи тупроқнинг юза қатламида жойлашган эфемерлар – пиёзли арпа билан пиёзли кўнғирбош ҳамда илдизи анча чуқур жойлашган, вегетация даври узок бўлган ксерофитлар: янтоқ билан кўзикулоқ (0,7), каррак билан отқулоқ (0,66), каррак билан кўзикулоқ (0,66), янтоқ билан какра (0,66), какра билан кўзикулоқ (0,65) фаунистик комплекслари ўртасида кўзга ташланади. Бунинг аксича, кўзикулоқ-пиёзли кўнғирбош, отқулоқ-пиёзли кўнғирбош, какра-пиёзли арпа, каррак-пиёзли кўнғирбош, янтоқ-пиёзли арпа, янтоқ-пиёзли кўнғирбош жуфтлиги фауналари ўртасидаги ўхшашлик энг кам (0,37-0,47) бўлди.

Кўп йиллик ўтлар нематодаларини жуфтлаб қиёсий таҳлил қилиш улар орасида бир-бирига мутлақ ўхшаш ёки бир-биридан кескин фарқ қиладиган фаунистик комплекслар бўлмаслигини кўрсатди. Фауналар ўртасида энг кўп

ўхшашлик бир экологик гуруҳга мансуб эфемерлар пиёзли арпа билан пиёзли қўнғирбош фауналари ўртасида кузатилади. Худди шундай ўхшашликни ксерофитлардан каррак билан отқулоқ ва отқулоқ билан какра ўртасида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳолат тоғ минтақасида тарқалган ўсимликлар фаунистик комплекслари муайян даражада ўзаро боғлиқ ҳолда шаклланганлигидан далолат беради (3-жадвал).

3-жадвал

Кўп йиллик ўтлар нематодалари фаунистик комплекслари ўртасидаги ўхшашлик (Чекановский – Серенсен коэффициентлари S')

Таққосланаётган фаунистик комплекслар	Фаунадаги турлар сони	Умумий турлар сони	Фауналар ўхшашлиги S'
<i>Каррак-отқулоқ</i>	57-58	38	0,66
<i>Каррак-янтоқ</i>	57-70	39	0,62
<i>Каррак-какра</i>	57-58	31	0,54
<i>Каррак-қўзиқулоқ</i>	57-56	37	0,66
<i>Каррак-пиёзли арпа</i>	57-42	23	0,47
<i>Каррак-пиёзли қўнғирбош</i>	57-40	20	0,42
<i>Отқулоқ-янтоқ</i>	58-70	40	0,63
<i>Отқулоқ-какра</i>	58-58	35	0,61
<i>Отқулоқ-қўзиқулоқ</i>	58-56	34	0,60
<i>Отқулоқ-пиёзли арпа</i>	58-42	19	0,38
<i>Отқулоқ-пиёзли қўнғирбош</i>	58-40	21	0,43
<i>Янтоқ-какра</i>	70-58	42	0,66
<i>Янтоқ-қўзиқулоқ</i>	70-56	44	0,70
<i>Янтоқ-пиёзли арпа</i>	70-42	24	0,43
<i>Янтоқ-пиёзли қўнғирбош</i>	70-40	26	0,48
<i>Какра-қўзиқулоқ</i>	58-56	37	0,65
<i>Какра-пиёзли арпа</i>	58-42	22	0,44
<i>Какра-пиёзли қўнғирбош</i>	58-40	23	0,47
<i>Қўзиқулоқ-пиёзли арпа</i>	56-42	25	0,51
<i>Қўзиқулоқ-пиёзли қўнғирбош</i>	56-40	18	0,37
<i>Пиёзли арпа-пиёзли қўнғирбош</i>	42-40	29	0,71

Тоғнинг айнан битта баландлик зонасида ўсадиган ўсимликларнинг фаунистик комплекслари ўзаро солиштирилганида ҳам улар ўртасида муайян ўхшашлик ва фарқ бўлишини кўриш мумкин. Аммо битта баландлик зонасидаги ўсимликлар нематодалари фаунаси ўртасидаги ўхшашлик ҳар хил баландлик зонасидаги ўсимликларга нисбатан анча юқори бўлади (4-жадвал).

Тоғ зоналарида баландликнинг пасайиб бориши билан ўсимликлар фаунистик комплекслари ўртасидаги ўхшашликнинг ортиб бориши фауна таркибида доминант ва субдоминант турларни сақланиб қолган ҳолда, фауна унга янги рецедент ва субрецедент турларнинг кириб келиши ёки турларнинг ўрин алмашиши билан боғлиқ бўлиши маълум бўлди.

**Кўп йиллик ўтлар нематодалари фаунасининг баландлик зоналари
бўйича ўхшашлиги (Чекановский – Серенсен коэффиценти S')**

Фаунистик комплекслар	Юқори зона		Ўрта зона		Пастки зона		Тоғолди зонаси	
	1**	2**	1**	2**	1**	2**	1**	2**
<i>Каррак– отқулоқ</i>	7	0,32	20	0,55	32	0,68	22	0,56
<i>Каррак– янтоқ</i>	12	0,47	19	0,54	38	0,70	24	0,65
<i>Каррак – какра</i>	10	0,43	15	0,57	33	0,68	26	0,69
<i>Каррак–қўзиқулоқ</i>	12	0,49	19	0,52	33	0,71	16	0,49
<i>Каррак – пиёзли арпа</i>	8	0,37	14	0,48	23	0,55	15	0,48
<i>Каррак- пиёзли қўнғирбош</i>	11	0,41	18	0,45	22	0,56	0,16	0,56
<i>Отқулоқ–янтоқ</i>	9	0,38	26	0,56	39	0,68	24	0,58
<i>Отқулоқ-какра</i>	8	0,38	20	0,52	32	0,63	24	0,59
<i>Отқулоқ–қўзиқулоқ</i>	7	0,30	22	0,54	32	0,65	20	0,54
<i>Отқулоқ- пиёзли арпа</i>	7	0,35	20	0,49	25	0,65	15	0,42
<i>Отқулоқ– пиёзли қўнғирбош</i>	7	0,41	22	0,40	25	0,59	15	0,46
<i>Янтоқ-какра</i>	15	0,55	24	0,58	39	0,68	26	0,66
<i>Янтоқ-қўзиқулоқ</i>	13	0,48	28	0,60	39	0,70	22	0,64
<i>Янтоқ- пиёзли арпа</i>	9	0,37	20	0,49	28	0,63	16	0,48
<i>Янтоқ- пиёзли қўнғирбош</i>	9	0,42	26	0,49	28	0,60	18	0,59
<i>Какра–қўзиқулоқ</i>	11	0,45	23	0,59	35	0,70	20	0,57
<i>Какра– пиёзли арпа</i>	8	0,37	14	0,44	24	0,54	18	0,53
<i>Какра– пиёзли қўнғирбош</i>	8	0,41	18	0,51	25	0,60	17	0,55
<i>Қўзиқулоқ– пиёзли арпа</i>	12	0,42	18	0,53	25	0,58	15	0,58
<i>Қўзиқулоқ–пиёзли қўнғирбош</i>	11	0,51	21	0,56	24	0,59	15	0,58
<i>Пиёзли арпа – пиёзли қўнғирбош</i>	7	0,48	19	0,46	21	0,62	14	0,56

** 1 - Умумий турлар сони; 2** - Ўхшашлик коэффиценти (S')

Турли баландлик зоналари нематода жамоаларини ўзаро таққослаганимизда ҳам улар ўртасида маълум ўхшашликлар борлигини кўрсатди. Тоғнинг кўшни зоналарида ўхшашлик коэффиценти бир – биридан узоқ бўлган зоналарга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлади. Жумладан, энг юқори ўхшашлик тоғнинг ўрта ва пастки зоналарида кузатилган бўлса (ўхшашлик коэффиценти 0,81), энг кам ўхшашлик юқори ва тоғолди зоналарини таққослаганимизда (0,49) кузатилди (5-жадвал).

Нематодалар фаунаси ўртасидаги фарқ кўп жихатдан фауна таркибига кирадиган нематодаларнинг тарқалиш хусусиятларига боғлиқ. Чунки ҳар қандай микрофауна ҳайвонлари сингари фитонематодалар ҳам микроўчоқ ҳосил қилиб, тупроқдаги капилляр сув орқали ёки оқар сув орқали пассив тарқалади. Шу сабабдан тоғнинг юқори зонасидан пастки зоналарга тушганимиз сари ўхшашлик даражаси ёндош зоналарда ортиб, бир-биридан узоқ зоналар нематодафаунаси ўртасидаги фарқ катталашиб боради.

5-жадвал

Тоғнинг турли баландлик зоналари нематодалар жамоасининг ўхшашлик коэффиценти (Чекановский – Серенсен коэффиценти S')

Баландлик зоналари	Юқори зона		Ўрта зона		Пастки зона		Тоғолди зонаси	
	1**	S'	1**	S'	1**	S'	1**	S'
Юқори зона	X	X	53	0,68	51	0,61	35	0,49
Ўрта зона	X	X	X	X	80	0,81	56	0,65
Пастки зона	X	X	X	X	X	X	77	0,73

** 1 - Умумий турлар сони

ХУЛОСАЛАР

«Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозлари кўп йиллик ўтлари фитонематодаларининг зонал тарқалиши ва экологияси» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ғарбий Зарафшон тоғ биоценозларида 7 тур кўп йиллик ўтлар ва улар илдизи атрофи тупроғида нематодаларнинг 121 тури аниқланган. Улардан икки тури – *Merlinius gaudialis* ва *M.rugosus* Ўзбекистон фаунасида биринчи марта қайд этилган. Аниқланган нематодалар иккита синф (*Adenophorea*, *Secernentea*), 4 кенжа синф (*Enoplia*, *Chromadoria*, *Rhabditia*, *Diplogastria*) ва 8 туркум (*Triplonchida*, *Dorylaimida*, *Mononchida*, *Monhysterida*, *Araeolaimida*, *Rhabditida*, *Diplogasterida*, *Tylenchida*) 35 оила ва 58 авлодга мансуб бўлди.

2. Аниқланган нематодалар озикланиши ва экологик хусусиятларига кўра параризобионтлар, эусапробиионтлар, девисапробиионтлар, микогельминтлар, фитогельминтлар (эктопаразитлар ва эндопаразитлар)га ажратилади. Экологик гуруҳлар орасида фитогельминтлар – 37 тур ва параризобионтлар – 35 тур билан доминантлик қилади. Индивидлари сони

бўйича параризобионтлар, девисапробионтлар ва эктопаразитлар устунлик қилади.

3. Нематодалар тоғнинг баландлик зоналари бўйлаб бир текис тарқалмаган. Тоғнинг юқори зонасида хилма-хиллик кам (63 тур) ва, асосан, яшил ўсимликлар билан боғланган турлар кўпроқ учрайди. Баландлик пасайган сайин турлар хилма-хиллиги ва индивидлари сони ортиб боради. Энг юқори хилма-хиллик тоғнинг пастки зонасида кузатилади (104 тур). Бу айниқса ўсимлик қолдиқлари билан озикланадиган эусапробионтлар ва девисапробионтлар мисолида яққол кўзга ташланади. Бундай ҳолат пастки зоналарда ўсимликлар қопламининг яхши ривожланиб, тупроқни органик қолдиқларга бойиши билан боғлиқ.

4. Ўсимликлар нематодалари фаунистик комплексларини жуфтлаб солиштириш орқали уларни ўзаро айнан ўхшаш бўлмаслиги ёки бир - биридан кескин фарқ қилмаслиги аниқланди. Энг кўп ўхшашлик илдининг тузилиши ва ҳаётининг хусусиятлари ўхшаш ўсимликлар - пиёзли арпа билан пиёзли қўнғирбош (ўхшашлик коэффиценти- 0,71) ва янтоқ билан қўзиқулоқ (0,70) ўртасида кузатилади, энг кам ўхшашлик эса қўзиқулоқ билан пиёзли қўнғирбош ва отқулоқ билан пиёзли арпа ўртасида (0,37) кузатилди.

5. Фаунистик комплекслар ўртасидаги ўхшашлик баландлик пасайган сайин ортиб боради. Бу ҳолат ёғин сувлари орқали нематодаларни тоғнинг юқори қисмидан пастки қисмига оқиб ўтиши, антропоген омиллар (ерга ишлов бериш, экин экиш, суғорилиш, мол боқиш) туфайли фаунистик комплекслар ўртасида турлар алмашинуви содир бўлиши билан боғлиқ.

6. Кўп йиллик ўтлар нематодофаунаси таркибида эндопаразитлардан *D. destructor*, *D. dipsaci*, *P. pratensis*, *M. picridis*; эктопаразитлардан *H. digitiformis*, *H. multincinctus*, *M. dubius* нисбатан кенг тарқалган доминант турлар ҳисобланади. Какра нематодаси – *Mesoanguina picridis* нинг Ғарбий Зарафшон тоғ тизмалари кўп йиллик ўтларида баландлик зоналари бўйлаб тарқалиши, каррак ва бўтакўзни зарарлаши биринчи марта ўрганилди.

7. Ғарбий Зарафшон тоғлари биоценозларида кўп йиллик ўтларнинг бўртма нематодаси билан зарарланиши илк бор аниқланган. Бу ҳодиса тоғ зонасида тарқалган айрим ёввойи ўсимликларнинг келгусида қишлоқ хўжалик экинларининг хавfli зараркунандалари – бўртма нематодалари учун табиий кўпайиш ва тарқалиш манбасига айланиши мумкинлигини кўрсатади.

8. Какра нематодасидан заҳарли какра ўсимлигига қарши биологик курашда фойдаланиш жараёнида, ушбу нематоданинг қоқиўтдошлар оиласига мансуб бошқа ўсимликларни ҳам зарарлаши мумкинлигини эътиборга олиш, паразит нематодаларни тоғ биоценозларидан агроценозларга кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш учун ёз ва куз фаслларида ёввойи ўтларни системали равишда текширувдан ўтказиб туриш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НАРЗУЛЛАЕВ САРДОРБЕК БАХРИДДИНОВИЧ

**ЗОНАЛЬНОЕ РАСПРОСТРАНЕНИЕ И ЭКОЛОГИЯ
ФИТОНЕМАТОД МНОГОЛЕТНИХ ТРАВЯНИСТЫХ РАСТЕНИЙ
БИОЦЕНОЗОВ ЗАПАДНОГО ЗАРАВШАНСКОГО ХРЕБТА**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером В2018.1.PhD/B146.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском Государственном университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Мавлянов Очил доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты	Изатуллаев Зувайд доктор биологических наук, профессор Эшова Холиса Саидовна доктор биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится « 24.07 » 2021 года в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Актовый зал факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № 3d). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан « 08 » 07 » 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 16 от « 08.07 » 2021 года)



З.Т. Ражамуродов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

М.С. Кузиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
(PhD), доцент

Х.К. Хайдаров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотации диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире все более значительным становится воздействие паразитических фитонематод на сельское хозяйство, и, по оценкам, ежегодный ущерб, наносимый нематодами сельскому хозяйству, составляет около 77 миллиардов долларов¹. В естественных экосистемах фитонематоды в той или иной степени связаны с зелеными растениями. Многие из них свободно живут в почве и участвуют в ассимиляции растительных остатков. Другие паразитируя на корнях, корнеплодах, клубнях, а иногда и на стеблях, листьях, цветах и семенах растений наносят большой ущерб. Поэтому, комплексное изучение фауны, характеристики распространения, экологии и хозяйственного значения паразитических видов в регионах имеет важное значение.

В настоящее время в мире проводятся исследования по определению филогенетического формирования паразитических нематод в качестве вида, а также распространению паразитических нематод, напрямую связанных с дикорастущими растениями горных и предгорных биоценозов, также как и на то, что дикорастущие растения естественных биоценозов и сорняки сопредельных агроценозов являются естественными источником накопления паразитических нематод. В связи с этим особое внимание уделяется анализу экологических особенностей нематодафауны многолетних растений горных биоценозов по высотным поясам гор, выявлению паразитарно-хозяйских отношений нематод с растениями, таксономической и экологической классификации нематод, их вертикальному распределению в горных зонах.

В нашей Республике уделяется отдельное внимание выявлению нематод сельскохозяйственных культур, выращиваемых на орошаемых землях, и, растущих вокруг них сорняков, в частности, установлен состав нематодафауны агроценозов и их биоэкологические особенности, разработаны меры борьбы с паразитическими видами. В Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «... защиты сельскохозяйственных культур от болезней, вредителей и сорняков»². Исходя из этих задач, таксономический и экологический анализ нематодафауны многолетних трав горных биоценозов наряду с культурными растениями, выявление доминирующих видов, а также паразитических видов, встречающихся в различных органах растений и почвах ризосферы, и разработка мер борьбы с ними имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития республики. Узбекистана», в Постановлении от 23 октября 2019 года ПФ-5853 23 октября 2019 г. «Об утверждении Стратегии дальнейшего

¹ <https://www.irjet.net/archives/V4/i12/IRJET-V4I1290>

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7.февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан

развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 декабря 2020 г. № 2544-1 «Об утверждении перечня вредителей, болезней растений и сорняков, имеющих карантинное значение для Республики», а также в других нормативных правовых актов, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды»

Степень изученности проблемы. Сведения о нематодах дикорастущих и сорных растений приводятся в научных работах L.Háněl (1992), T.Bongers, H. Ferris (1999), Min Zhang, W.Liang, X.Zhang (2012), M.Talavera, A.Navas (2002), F.Tong, Y.Xiao, Q.Wang (2010), V.Peneva, S.Lazarova (2011), Ke Dong (2017), J. Genevieve, T. Martinez (2018) и других зарубежных ученых.

